

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2018
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

А.АБДУҚОДИРОВ, Д.УМУРЗАКОВА

Сунъий нейрон тармоқлари ёрдамида нутқни таниш масалаларини тадқиқ этиш 5

КИМЁ

Н.ЎЛАКОВ, И.АСҚАРОВ, Ю.ИСАЕВ, Қ.ОТАХОНОВ

Ферроценкарбон кислотанинг айрим ҳосилалари синтези ва уларни ТИФ ТН асосида синфлаш 11

А.ЕШИМБЕТОВ, Ш.КУРБАНБАЕВА, Ш.ТУРҒУНБОЕВ, А.ХАИТБАЕВ

Бетулиннинг назарий ва экспериментал геометрик характеристикаларини таққослаш 15

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

И.ЗОКИРОВ

Ширалар (APHIDIDAE) популяция динамикасининг регрессион таҳлили 22

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Г.ЮЛДАШЕВ, М.ИСАГАЛИЕВ, Д.ДАРМОҶ

Чўл минтақа тупроқларига коллектор-зовур сувларининг таъсири 26

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.АБДУЛЛАЕВ, К.КУРПАЯНИДИ

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш самарадорлигини аниқлаш масалалари ҳақида 32

ТАРИХ

Р.АРСЛОНЗОДА

XIX асрнинг 60-70-йиллар рус матбуоти саҳифаларида Алимқули амирлашкар сиймоси 38

Д.ЭШБЕКОВА

Ташвиқот кампаниялари, МОПР ташкилотининг Ўзбекистондаги учрашув ва митинглари (1920) 42

М.РАСУЛОВ

Ўзбек миллий қадриятларининг тикланиши ва мустақамланишида тарихий ва маданий ёдгорликларнинг ўрни 46

Н.ҲАМАЕВ

Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракат – даврий матбуот нигоҳида 50

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Й.СОЛИЖОНОВ

Бадий ҳақиқат ва муаллиф муносабати 54

Л.ПУЛАТОВА

Романнинг жанр-услубий янгиланиши 58

К.ТОПВОЛДИЕВ

Пушкиннинг “Қуръонга тақлид” циклидаги ориентализм 62

Г.ЕСКАРАЕВА

Поэтик матнда ёруғлик ва ранг тилсимоти 66

ТИЛШУНОСЛИК

А.МАМАЖОНОВ, Г.РОЗИҚОВА

Стилистика – ифодали нутқ тизими 69

УДК: 93/99+211.5+719

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ТИКЛАНИШИ ВА МУСТАҲКАМЛАНИШИДА
ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ЎРНИ

М.Расулов

Аннотация

Мақолада қадимги ёдгорликларга шўро даврида ва мустақиллик йилларида муносабат солиштирилади. Миллий қадриятларнинг тикланиши ва мустаҳкамланишида тарихий ва маданий ёдгорликларнинг ўрни кўрсатиб ўтилади. Тарихий ва маданий ёдгорликларнинг жамиятнинг маънавий ҳаётига ижобий таъсири очиб берилди.

Аннотация

В статье прослеживается отношение к памятникам старины в советское время и в годы независимости. Раскрыта роль памятников истории и культуры в восстановлении и укреплении национальных ценностей, а также их позитивное влияние на духовную жизнь общества.

Annotation

On the basis of rich factual material traced relating to ancient monuments in the Soviet era and in the years of independence. The role of cultural and historical monuments in the restoration and strengthening of national values as well as positive impact of monuments of history and culture on the spiritual life of society is revealed.

Таянч сўз ва иборалар: тарихий хотира, миллий қадрият, маънавий мерос, меъморий ёдгорлик, археологик ёдгорлик, диний эътиқод, даҳрийлик, шовинизм, масжид, мадраса, ҳайкал.

Ключевые слова и выражения: историческая память, национальные ценности, духовное наследие, архитектурный памятник, археологический памятник, религиозное убеждение, атеизм, шовинизм, мечеть, медресе, монумент.

Keywords and expressions: historical memory, national value, spiritual heritage, architectural monument, archeological monument, religious creeds, atheism, shovinism, mosque, medresah, monument.

Ўзбекистон тарихини ёритишда миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган юртимиздаги тарихий ва маданий ёдгорликларнинг ўрни муҳимдир. Ҳозирги кунда республикада 7216 та ёдгорлик давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан 2248 таси меъморчилик, 1695 таси археологик ёдгорликлардир [1.4].

Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати, мустабид шўро тузуми мафкурасининг жамиятдаги барча воқеа-ҳодисаларга баҳо беришда илмий-тарихий тамойилларга қарама-қарши ўлароқ синфийлик нуқтаи назаридан ёндашиши, ўз ғояларига тўғри келмаган ҳар қандай фикр-мулоҳазаларни инкор этиши 130 йил мобайнида жамиятнинг тарихий тараққиётига, айниқса, қардош халқлар ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Коммунистик мафкуранинг таянч ғояларидан бири ҳар қандай дин ва диний эътиқодга муросасизлик бўлиб, “дин афюндр”, деган шиор остида даҳрийлик тарғиб қилинар эди.

Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати, кейинчалик коммунистик мафкуранинг бузғунчилик тамойиллари миллатимиз

маданияти, қадриятлари, тарихий хотираси, маънавий меросининг моддий кўриниши бўлмиш тарихий ва маданий ёдгорликларни ҳам четлаб ўтмади.

Миллий қадриятларимизга, маънавий бойликларимизга ва тарихий-маданий ёдгорликларимизга беҳурматлик, ваҳшийларча муносабат чор Россияси даврига бориб тақалади. Бунга тарихий манбалардаги аниқ далиллар гувоҳлик бера олади. Мисол тариқасида рус шарқшунос-тарихчи олимлари – академик В.В.Бартольд, профессор М.Е.Массон, В.Л.Вяткинларнинг илмий асарлари ва эсдаликларини келтириш мумкин. Ўз вақтида тарихий обидалар билимдони В.Л.Вяткин Туркистон генерал-губернатори А.В.Самсоновга Самарқанддаги обидаларни кўрсатиб, қаровсизликдан нураб бораётган Улуғбек мадрасаси, Бибихоним масжиди ва бошқа объектларни таъмирлаш учун земство маблағларидан бир қисмини ажратишни илтимос қилади. Бунга жавобан: “Фикримча, бунинг ҳеч ҳожати йўқ, Василий Лаврентьевич, – деди генерал-губернатор. – Булар қанчалик тез вайрон бўлса”, – давом этди у қўлини Регистон тарафга чўзиб, – рус давлатчилиги учун шунча яхши бўлади” [2.17].

Қуйидаги Шарқшунослик жамияти Тошкент бўлими номига

М.Расулов – ФарДУ тарих кафедраси ўқитувчиси.

ТАРИХ

Туркистон ҳарбий округи қўмондони ёрдамчисининг ёзган мактуби ҳам чор Россияси амалдорларининг ўлкамизга нисбатан буюк давлатчилик руҳидаги қарашларидан далолат беради: “Жамият Шарқни Шарқ учун ва фан учун эмас, балки халқларни Россияга қўшиш – руслаштириш учун ўрганиши керак” [3.188].

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов ўзининг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли асарида чор Россияси генерали Скобелевнинг қуйидаги гапларини келтиради: “Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг, бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди” [4.24].

Тарих ва маданиятимизга бўлган мана шундай муносабат нафақат чор Россияси даврида, балки совет ҳокимиятининг етмиш йилдан ортиқ фаолияти давомида ҳам сақланиб қолди. Масалан, РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1922 йил 8 сентябрдаги мажлисида Туркистон ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва музейларга ёрдам беришга Владимирова ва Дзержинскийлар қарши чиқишади. Улар: “Мусулмон меъморчилигининг қадим ёдгорликлари масаласи арзимас нарса ва у РСФСР сиёсатидан олиб ташланиши керак”, деб айтишади [5].

Даҳрийлик тамойиллари, яъни ҳар қандай дин ва диний эътиқодга мурасасизлик шўро давлати сиёсати ва коммунистик мафкуранинг асосий негизини ташкил қилиб келди. Бу тамойиллар қардош миллатлар динига, айниқса, исломга нисбатан буюк давлатчилик ва ўта шовинистик руҳда қўлланиб келинди. Ана шундай руҳдаги ҳужжатлардан бири 1986 йил 18 августда КПСС МК томонидан қабул қилинган “Ислон таъсирига қарши кураш” тўғрисидаги қароридир [6]. Унда асосий эътибор тарихий-маданий ёдгорликлар – масжид-мадрасаларга, қадамжоларга аҳолининг зиёрат қилишларини тақиқлаб, бу жойларда даҳрийликни тарғиб қилувчи музейлар ташкил қилишни, экскурсоводларга эса масжид ва мадрасалар “текинхўрлик билан кун кўрувчи” мулла, эшонларнинг бузғунчилик ғоялари таянчи, эзувчи синфлар (эксплуататорлар) жамиятининг ҳимоясига йўналтирилганлигини очиб бериш вазифаси юклатилган.

Юқоридаги қарорга асосан республика ҳудудида XIX асрнинг охири – XX аср бошларида қурилган 61 та масжид диний маросимлар иншооти сифатида давлат

ёдгорликларини сақлаш рўйхатидан чиқарилади [7]. Бу, мазкур масжидларни бузиб ташлаш ёки бирор ташкилотнинг оморига айлантириш мумкин, деган гап эди.

Тарихимизнинг ноёб иншоотлари, маънавият ва маърифат ўчоқлари – мадраса, масжидлар, маҳобатли мақбара ва миноралар, яъни ота-боболаримиздан қолган ноёб ёдгорликлар совет мафкурасининг тазйиқи остида даҳрийликни, инсон ақлига сиғмас коммунистик ғояларни тарғиб қилувчи музейларга ёки ресторан, қаҳвахона, бар каби миллат эътиқодига зид бўлган кўнгилочар масканларга айлантирилди. Марказдан узоқроқ бўлган жойлардаги тарихий ёдгорликлардан эса жамоа хўжаликлари учун кимёвий ўғитлар сақланадиган оморлар, чорва учун фермалар сифатида фойдаланилди.

Қизиқ бир мисол. Бухоро махсус илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш устaxonаси буюртмасига асосан, Киев қурилиш-муҳандислик институти битирувчи талабалари Кўкалдош мадрасасини 200 ўринли меҳмонхонага, Абдуллахон тимини эса 200 ўринли ресторанга мослаштириш лойиҳасини диплом иши сифатида тайёрлаб беришади [8]. Маҳаллий миллат тарихи ва маданиятидан, меъморчилигидан, айниқса, ўша ўзлари қайта лойиҳалаштирган иншоотларнинг қандай мақсадларда қурилганлигидан, уларнинг ажодлардан қолган мерос сифатидаги қадр-қимматидан умуман беҳабар кимсалар мазкур ёдгорликларни асл моҳиятидан бегона қилиб, “замонавий” мақсадларга мослаштирдилар. Бу, нафақат миллатга, балки ажодлар яратган меъморчилик обидаларига, миллат анъаналарига беҳурматлик, беписандаликнинг намунаси эди. Асрлар оша илм, маънавият ва маърифат маркази бўлиб келган меъморий иншоотларнинг шакл-шамойилига қандайдир талабалар томонидан ўзгартириш киритилган. Ўша лойиҳаларда кўрсатилишича, Кўкалдош мадрасасини меҳмонхонага мослаштиришда унинг деворлари тешилиб, ювиниш хоналари учун сантехника тармоқлари ўтказилиши, хоналарга замонавий эшиклар ўрнатилиши лозим эди. Мадраса ҳовлисидаги (лойиҳа муаллифларининг фикрига кўра, ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган – Р.М.) мактаб бузилиб, унинг ўрнида бассейн қурилиши режалаштирилган эди. Ўз даврида не-не илм дарғалари, алломаларни бағрига олган бу даргоҳ номақбул сиёсатнинг касридан, ярим яланғоч чўмилувчилар, бар ва ресторанларда кайфу сафо қилувчиларга макон бўлиши кўзда тутилган эди.

Ўзбекистон ССР чет эл туризми Бош бошқармаси бошлиғи Ю.К.Юсувалиев маданият вазири М.А.Аҳмедова номига 1986 йил 14 мартда йўллаган 03-277-сонли хатида Бухородаги Нодир Девонбеги мадрасасини 70 ўринли меҳмонхона ва 100 ўринли ресторанга мослаштириш, “Саррофон” ҳаммомини замонавий инженерлик асосида қайта тиклаб фойдаланишга, Хива шаҳридаги “Қози Калон” мадрасаси ҳам 100 ўринли ресторанга мослаштириш учун ижарага беришни сўрайди [9]. Бу илтимос вазир томонидан қондирилади [10].

Термиз ёнида жойлашган 2099-ҳарбий қисм эса кўҳна Термиз шаҳар харобасидан ўқув полигони сифатида фойдаланган. Бу ерда ўқув машғулоти ўтказилган, ҳар хил чуқурликдаги ҳандаклар(окоплар) кавланган. Ҳарбий қисм раҳбарияти томонидан жадаллик билан шаҳарнинг эски қўрғони вайрон қилиниб, бу ерда кенг кўламли қурилиш ишлари давом эттирилган [11].

Термиз шаҳар ОДСП-13 (Бирлашган қурилиш корхоналари дирекцияси – Р.М.) ва ПМК-2МЗР ташкилотлари ноқонуний ишлар олиб борганлиги натижасида кўҳна шаҳарнинг маълум қисми бузиб ташланган ва Кампиртепанинг фортификация тизимига зарар етган. Бу ҳақда Санъатшунослик институти директори Х.А.Абдусаматовнинг 1986 йил 11 апрелдаги Маданий ёдгорликлар илмий-ишлаб чиқариш Бош бошқармаси бошлиғи Ф.М.Ашрафийга ёзган 254-сонли хати гувоҳлик беради [12].

Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати, ундан кейин коммунистик мафкура тарихий-маданий обидаларимизга, бутун жаҳон илм-фани, маданиятига улкан ҳисса қўшган алломаларимиз, давлат арбобларимизга очиқдан-очиқ буюк давлатчилик кайфиятида бўлиб, уларни халқ хотирасидан батамом ўчириб ташлаб, ўрнига миллатимизга ёт бўлган турмуш тарзини, ғояларини ҳар қандай воситалар билан тиқиштириб борди. Коммунистларнинг ўша вақтдаги тарғиботида кўра, гўёки Ўрта Осиё халқлари, хусусан, ўзбек халқи қолақ, маданиятсиз бўлган, хонликларнинг, кейинчалик Россия империясининг мустабид тузуми шароитида ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуққа эга бўлмаган, ночор бўлган. Социалистик инқилоб эса мазлум халқларга озодлик, эрк, фаровон ҳаёт ато этди. Мазкур ақида халқнинг онгига мажбурий тарзда тиқиштирилди. Миллий қадриятларимизга, давлатчилик тарихимизга умуман ёт бўлган большевиклар инқилоби

билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар оламшумул аҳамият касб этганлиги, уларнинг бошлиқлари эса қардош халқлар учун буюк оғалар, доҳий, қаҳрамонлар сифатида улуғланди. Инқилоб билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларга, унинг раҳнамоларига атаб шаҳарлар, йирик-йирик иншоотлар, меъморий ёдгорликлар барпо қилинди.

1985 йил 1 январь ҳолатига кўра, Қашқадарё вилояти бўйича 74 та (20 таси бюст) В.И.Ленин ҳайкали, 17 та К. Маркс, Ф. Энгельс ва бошқа Октябрь тўнтариши раҳнамоларига бағишланган ёдгорликларнинг рўйхати берилган ҳолда, атиги 6 та республиканинг узоқ ўтмишини, ўзбек халқининг миллий-маънавий қадриятларини ўзида акс эттирган тарихий-маданий ва археологик ёдгорликларнинг рўйхати берилган [13].

Истиқлол туфайли миллий қадриятларимизга умуман ёт бўлган 2094 та (1994 йил 1 январь ҳолатига кўра) ҳайкалтарошлик мажмуалари (В.И.Ленин, А.А.Жданов, Ф.Э.Дзержинский, С.М.Киров ва шу каби коммунистик партия доҳийларининг ҳайкаллари) олиб ташланди ва ёдгорликлар рўйхатидан ўчирилди [14]. Уларнинг ўрнини эса Тошкент (1993 й.), Самарқанд, Шаҳрисабздаги (1996 й.) соҳибқирон Амир Темури ҳайкали, Фарғонада, Қувада ал-Фарғоний ҳайкали ва мажмуалари (1998 й.), Самарқандда Имом ал-Бухорий мажмуаси (1998 й.), Урганчда Жалолиддин Мангуберди мажмуаси (1999 й.), Термизда “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги муносабати билан дoston қаҳрамони ҳайкали (1998 й.), Тошкентдаги Мустақиллик майдонида “Мотамсаро она” мажмуаси, “Шаҳидлар хотираси” меъморий ёдгорликлари (2000 й.) ўрин эгаллади. Маданий ёдгорликларнинг асосий қисми жамланган Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Хива шаҳарларининг юбилей тантаналари, Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги тантаналари муносабати билан Бухоро, Хива, Самарқанд, Шаҳрисабзда жойлашган меъморий обидалар халқаро ташкилотлар (асосан ЮНЕСКО) ҳамкорлигида тўла таъмирланиб, уларга қайта умр бағишланди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг тарихий ва маданий ёдгорликларга муносабат тубдан ўзгарди. Миллий қадриятларнинг тикланиши давлат сиёсати даражасига кўтарилди, аждодларимиз яратган моддий ва маънавий меросни чуқур ўрганишга, уларнинг

ТАРИХ

хотирасини хурматлаш ва абадийлаштиришга эътибор кучайди. Асрлар силсиласида мардонатор яшаб келаётган тарихий ва маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва тиклаш ишларига, турли юбилей ва тарихий саналарга бағишлаб қатор меъморий иншоотлар, мажмуаларнинг қурилишига давлат томонидан эътибор кучайтирилди. Хива (1990 йил, ЮНЕСКОнинг Канадада бўлиб ўтган 14-сессиясида), Бухоро (1993 йил ЮНЕСКОнинг Колумбияда бўлиб ўтган 17-сессиясида), Шаҳрисабз (2000 йил ЮНЕСКОнинг Австралияда бўлиб ўтган 24-сессиясида), Самарқанд (2001 йил ЮНЕСКОнинг Финляндияда бўлиб ўтган 25-сессиясида) шаҳарларининг тарихий марказлари ҳамда Ўзбекистондаги тўрт мингдан ортиқ тарихий ва меъморий ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг Бутун Жаҳон Маданий Мероси рўйхатида киритилиши республикада тарихий ва маданий ёдгорликларни дунё эътироф этаётганлигидан далолат беради [15.4].

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки:

-биринчидан, истиқлол шарофати билан тарихий ва миллий қадриятларимизнинг тикланиши давлат сиёсати даражасига кўтарилди, натижада халқ хотирасининг барча жабҳалари қатори, тарихий ва маданий ёдгорликларга ҳам муносабат тубдан ижобий томонга ўзгарди;

-иккинчидан, тарихий ва маданий ёдгорликларимизни таъмирлаш ва тиклаш ишларининг моддий-иқтисодий томонларини давлат ўз ихтиёрига олди;

-учинчидан, тарихий ва маданий ёдгорликлар миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми сифатида эътироф этилди ва халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллаш бошлади;

-тўртинчидан, аждодларимиздан қолган бой тарихий ва маданий мероснинг ажралмас қисми бўлган тарихий ва маданий ёдгорликлар бутун жаҳон афкор оммаси олдида эътироф этилиб, Бутунжаҳон Маданий Меросининг ажралмас қисми сифатида умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилди.

Адабиётлар:

1. ГлавНПУ памятников культуры. Периодический отчет по реализации Конвенции Всемирного наследия Государством-Участником: Узбекистан. –Т., 2006 .
2. Массон М.Е. Самарқанд осори атиқаларига оид уч воқеа. –Т.: “Ўзбекистон”, 1973.
3. Жабборов И. Кўҳна харобалар сири. – Т. “Ўзбекистон”, 1968.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: “Шарқ”, 1998.
5. Мирзаев М. Олимхоннинг олтин қиличи // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. -1993 йил.
6. ЎзМДА, 2296-ф. 7-р. 53а-йж. 128-варақ.
7. ЎзМДА, 2296-ф. 7-р. 53а-йж. 135-140-варақлар.
8. Салимов А.М. Приспособление памятников архитектуры Бухары для современных функций // Строительство и архитектура Узбекистана. -1980, 4-сон. -28-31-бетлар.
9. ЎзМДА, 2296-фонд,7-рўйхат, 58^а-иш, 123- варақ.
10. Ўша жойда,121-варақ; Вазир ўринбосари К.С.Ибрагимовнинг 1986 йил 27 март кунги 01-12/608-сонли хати.
11. ЎзМДА, 2296-фонд,7-рўйхат, 58^а-иш, 16-варақ.
12. ЎзМДА, 2296-фонд,7-рўйхат, 58^а-иш, 24-варақ.
13. ЎзМДА, 2296-ф. 7-р. 10а-йж. 92-101-варақлар.
14. ЎзМДА, 2296-ф. 7-р. 607а-йж. 103-варақ.

(Тақризчи: М.Исомиддинов, тарих фанлари доктори, профессор).